

Қозоғистон Марказий Осиёдаги энг катта масжидни қурмоқда



11:00 / 19.04.2021 2193

Нур Султон ҳокимлиги сайтнинг хабар беришича, Қозоғистон Республикасида Марказий Осиёдаги энг катта масжид қурилиш жараёнидан олинган фотосуратлар эълон қилинди. Бу ҳақда tengrinews.kz нашри хабар берди. Мамлакат пойтахтида Кабанбай ботир ва Мангилик эл хиёбонлари оралиғида янги масжид қурилмоқда. Нур Султон ҳокими Олтой Кулгинов ўзининг инстаграм саҳифасида ушбу масжид Қозоғистон ва Марказий Осиёдаги энг йирик масканга айланади, дея маълумот ёзиб қолдирган.

Масжид гумбазининг баландлиги деярли 90 метр, миноралар эса 130 метр баландликда қурилади. Масжиднинг сиғими 30 минг кишини ташкил қилади. Ҳокимнинг таъкидлашича, қурилиш Нурсултон Назарбоев номидан

ҳомийлик маблағлари ҳисобига амалга оширилмоқда.

«Бугун мен масжид қурилиш жараёни билан яқиндан танишиб чиқдим. Ўз навбатида биз муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялар устида иш олиб бормоқдамиз. Жумладан, масжид ҳудуди обод қилинади ва дарахтлар экилади. Келажакда масжид нафақат мамлакатимиз аҳолисига, шунингдек, сайёҳлар учун ҳам диққатга сазовор жойларга айланади», дейди Кулгинов.

Хуршид Маъруф тайёрлади